

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бошқарув раиси ўринбосари в.б.**



М.Қ. Раджапов

2022 й.

Тошкент шаҳрида жойлашган “Тошкент-юк саройи” ва “Чукурсой юк-саройи” темир йўл станцияларини (терминалларини) келгусида юк ташиш хажмларини ошишини инobatга олган ҳолда пойтахт атрофига кўчириш ёки модернизация қилиш ва Тошкент шаҳар атрофида мультимодал транспорт – логистика марказлари тармоғини ривожлантириш Концепциялари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент 2022 йил

Т/р	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	2	3
1.	Буюртмачи	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси 100060, Тошкентшаҳар, Т.Шевченко кўчаси 7 уй; Тармоқлараро айланма (МФО) коди 00875; Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Миробод филиали х/р20210000402698916001; СТИР202 342708;ҚҚС тўловчи рўйхатга олиш коди 326 010 005 344
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонида тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви йиғилишининг 2022 йил 24 июндаги 90 - сонли баёни.
3.	Лойиҳалаштириш объекти	Концепция лойиҳаси
4.	Молиялаштириш манбалари	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари.
5.	Лойиҳанинг тахминий ҳисоб-китоби	Лойиҳада аниқланади.
6.	Лойиҳа ташкилотининг номи	Танлов асосида
7.	Маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги ва экологик параметрлари сифатига қўйиладиган талаблар. Технология, корхона тартибига қўйиладиган талаблар.	Йирик ривожланган шаҳарлар тажрибаларини ўрганган ҳолда миллий хусусиятларни, амалдаги ташкилот талабларини инобатга олиб, маҳаллий қурилиш материаллари, қурилмалари ва жиҳозларидан максимал даражада фойдаланган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш учун Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган амалдаги қурилиш меъёрий ҳужжатларига риоя қилинсин.
8.	Архитектура – қурилиш, ҳажмий – режалаштириш ва конструктив қарорлар, таркибий ечимларига бўлган талаблар.	Темир йўл ва автотранспорт логистикасини инобатга олган ҳолда биноларни ва уларнинг майдонларини жойлаштириш ҳамда маҳаллий қурилиш материаллари, қурилмалари ва ускуналардан максимал даражада фойдаланиб,

		шунингдек минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий хусусиятларини, қолаверса антисейсмик талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш учун Ўзбекистонда шаҳарсозлик қоидаларига ҳамда ШНҚ ва ҚМҚ меъёрларига амал қилинсин.
9.	Кичик меъморий шакллар ва ободонлаштиришга бўлган талаблар	Лойиҳалаштириш доирасида
10.	Кўтариб ва чегаралаб турувчи қурилмалар материаллари ҳамда конструктив тузилмаларга қўйилган асосий талаблар	Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган ва амалдаги шаҳарсозлик норматив ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
11.	Муҳандислик ва технологик жиҳозларга қўйилган асосий талаблар, технологик жиҳозларнинг рўйхати	Лойиҳада йирик логистик марказларни ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан максимал даражада фойдаланиб, лойиҳалаштирилган объектнинг мақсадга мувофиқ мос келадиган замонавий технологик сертификатга эга ускуналар ва қурилмалар ва ускуналарнинг технологик жараёнларда ишлашни таъминлашни инобатга олиб ишлаб чиқилсин. Ускуналарнинг батафсил рўйхати лойиҳада аниқланади.
12.	Меҳнат хавфсизлиги ва санитария-гигиена талаблари	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология нормалари ва қоидалари ҳамда темир йўл транспортида юкларни ташишни ташкил этиш санитария талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
13.	Лойиҳалаш учун буюртмачи томонидан тақдим қилинадиган дастлабки бирламчи маълумотлар рўйхати	Буюртмачи томонидан лойиҳани ишлаб чиқувчининг талабларига мувофиқ лойиҳалашда зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилади.
14.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган талаблар	Амалдаги меъорий ҳужжатларга мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, санитария ва ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш чоралари кўрилинсин.
15.	Лойиҳа таркиби	Лойиҳада қуйидагилар кўзда тутилсин: 1. Тошкент шаҳрида жойлашган “Тошкент-юк саройи” ва “Чуқурсой юк-саройи” темир йўл станцияларини (терминалларини) келгусида юк ташиш ҳажмларини ошишини инобатга олган

		<p>ҳолда пойтахт атрофига кўчириш ёки модернизация қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тошкент шаҳар атрофида мультимодал транспорт-логистикамарказлари тармоғини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш. Бунда, Тошкент шаҳрига кириб келишда юкларни тақсимлайдиган 4 та йирик савдо логистика марказларини куриш ва шаҳар худудида жойлашган барча божхона юк омборларини пойтахт ташқарисига чиқариш масаласини кўриб чиқиш.</p> <p>Вариантларни ишлаб чиқиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли Фармонининг 2 иловаси 195 бандида кўрсатиб ўтилган Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ортиқхўжаев) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан келишган ҳолда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг тегишли бошқармалари томонидан тақдим қилинган техник шартлариғаҳамда “Ўзтемирйўл контейнер” АЖнинг 2022 йил 28 сентябрдаги ЖДК 1021 - сонли хатида кўрсатилган тақлифларга мувофиқ амалга оширилсин.</p> <p>3. Объектнинг жойлашув ўрни, курилиш худудига кирувчи бино-иншоотларни бузиш ишлари ҳамда объектнинг иқтисодий жиҳатдан рентабиллигини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқилсин.</p> <p>4. Ишлаб чиқилган вариантлар ривожланган мамлакатлардаги йирик шаҳарларни тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳрини темир йўл ва автомобиль йўлларини (автомобиллар сони ошиши ва оқимини таҳлили асосида) 2030-2035 йилларгача ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, ҳисоб-китоб ва таҳлиллар асосида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлган вариантни кўрсатган ҳолда тақдим этиш.</p>
16.	Энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинадиган лойиҳавий ечимлар	Лойиҳалашда замонавий ва энергия тежайдиган ускуналардан фойдаланиш ҳамда қурилмаларни энергия ўлчаш асбоблари билан жиҳозлашни кўриб чиқилсин.

17.	Фукаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар олдини олиш бўйича муҳандислик чоратадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар	Лойиҳалашда Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси техник шартларига ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилиниши инобатга олинсин.
18.	Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган аҳоли гуруҳлари ҳаракатланиши учун яратилган шароитларга қўйилган талаблар	Мавжуд меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида ишлаб чиқилсин.
19.	Лойиҳада ёнғин хавфсизлиги бўлимини ишлаб чиқишга қўйилган талаблар	Ёнғин хавфсизлиги ва хавфсизлик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилсин.
20.	Ташқи транспорт алоқалари	Мавжуд транспорт йўналишларини келажакда ривожланишини ва янги транспорт йўлаклари барпо этилишини кўзда тутган ҳолда транспорт йўналишлари билан боғлаш.
21.	Муҳандислик қидирув ишларига қўйилган талаблар	Муҳандислик-геодезия ва гидрогеологик тадқиқотлар лойиҳалаш учун зарур бўлган ҳажмда амалга оширилсин.
22.	Концепцияни ишлаб чиқиш муддати	45 кун.
23.	Қурилишнинг алоҳида шартлари	- зилзила жиҳатидан хавфлилиги – 8балл; - минтақанинг иқлими – II зона; - ер ости сувлари – муҳандислик ва гидрогеологик тадқиқотлар орқали аниқлансин; - тупроқ шароитлари муҳандислик ва геологик тадқиқотлар орқали аниқлансин.
24.	Қўшимча талаблар	Камида 3 та асосланган таклифлар асосида ишлаб чиқиш. Концепция лойиҳа ҳужжатлари 3 нусхада, электрон шаклда тақдим қилинсин. Қўшимча лойиҳа ҳужжатлари нусхалари шартнома орқали тақдим қилиниши ҳисобга олинсин. Ишлар яқунланганлиги тўғрисидаги далолатнома ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқилиб буюртмачига тақдим қилинсин.